

Ҳ.Ҳ.ЖЎРАЕВ

“ҚАЛАМТАСВИРНИ ЎРГАНИШ”

**бўйича
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

Рўйхатга олинди:

№ _____
“ ____ ” _____ 2017 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ўқув ишлари бўйича

проректор

_____ А.А.Раҳимов

“ ____ ” _____ 2017 йил

**ҚАЛАМТАСВИР. РАНГТАСВИР ВА
ХАЙКАЛТАРОШЛИК фанининг ҚАЛАМТАСВИР
қисми учун**

“ҚАЛАМТАСВИРНИ ЎРГАНИШ”

бўйича

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Билим соҳаси:

Таълим соҳаси:

Бакалавр таълим йуналиши

300000 – Ишлаб чиқариш, техника

340000 – Архитектура ва қурилиш

5340100 – Архитектура (Био ва иншоотлар)

5341000- Қишлоқ ҳудудларини

архитектуравий лойиҳалашни ташкил этиш

Самарқанд – 2017 йил

УДК – 377.73.75.

Мазкур услубий қўлланма "Архитектура" ва "Қишлоқ ҳудудларини архитектуравий лойиҳалашни таъминлаш" мутахассисликлари бакалавр гуруҳлари I босқич талабаларига мўлжалланган бўлиб, тасвирий санъатнинг асоси бўлган "Қаламтасвир" фани бўйича назарий билимларни беришга қаратилган.

Қўлланма "Тасвирий санъат" кафедраси ўқув дастури асосида, қаламтасвир машғулотларини кузатиш натижасида Б.Бойметовнинг "Қаламтасвир асослари" ва Н.Теннинг "Гипс моделларнинг расми" қўлланмаларидаги қимматли маслаҳатларидан фойдаланган ҳолда бажарилди.

Тузувчи: Санъатшунослик номзоди, доцент **Х.Х.Жўраев**

Тақризчилар: Архитектура фанлари номзоди “Тасвирий санъат” кафедраси доценти **Д.Н.Султонова** “Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси профессори **Э.М.Мухаммадиев**

Услубий қўлланма "Тасвирий санъат" кафедрасининг. 2017 йил 31 майдаги 10-сонли йиғилишида кўриб чиқилган факультет Кенгашига муҳокама учун тавсия этилган.

Кафедра мудири в.б.:

Ш.Э.Ўринбоев

Услубий қўлланма "Архитектура" факультети кенгашида муҳокама қилиниб, тасдиқлаш учун институт илмий-услубий кенгашига тавсия этилган(2017 йил 30 июндаги 9-сонли мажлис баени)

*Факультет услубий
кенгашининг раиси:*

М.М.Абдураимов

Чиқиш белгилари: Қўғоз бичими. А-4.
Адади 50 дона, ҳажми 3,18 б.т.

КИРИШ

Хаётимизда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий ва маънавий ўзгаришлар тасвирий санъат соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни дунёнинг тараккий этган демократик давлатларидаги даражага етказиш ва ёшларни баркамол, ўз соҳаларининг ҳақиқий билимдонлари қилиб тарбиялаш сингари долзарб вазифалар Олий Мажлиснинг 1997 йил 28 август IX-сессиясида қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да ўз ифодасини топди.

Инсоннинг маънавий баркамол бўлиб шаклланишида эстетика, яъни нафосатшунослик соҳасидаги тарбиянинг роли бекиёсдир. Бу борада барча санъат турлари каби амалий ва тасвирий санъат дарс ва машғулотлари айниқса муҳим аҳамиятга эга. Мактабда ўқувчиларнинг фазовий фикрлаш доираси кенгайтирилса, махсус ўқув юртларида ўтиладиган мазкур машғулотлар эса талабаларнинг ранг сезиш қобилиятларини ўстиради, юксак дид билан санъат асарлари яратиш фаолиятларини шакллантиради ва ривожлантиради.

Маълумки, давр тараккиёти билан инсоннинг маънавий эҳтиёжлари ҳам ортиб боради. Шу ерда ижодкорнинг (шоир, адиб, театр ва кинорежиссирлари, рассом, архитектор, дизайнер, конструктор ва ҳоказо) халқ оммасидан анча илгари юриши ва у яратган асарлар одамларга маънавий озука бериш кераклигини таъкидлашга тўғри келади.

Бизни ўраб турган муҳит шакли, ҳажми ўлчами ва яна энг муҳими унинг ранглари гуногун бўлган ҳар хил нарсалардан иборат эканлигидир.. Буларнинг кўпларини табиат яратган бўлса (ўсимлик, ҳайвонот дунёси) қолганлари инсоннинг ақл-заковати билан ижод этилган (уй-рўзғор буюмлари, маиший техника, транспорт воситалари, кийим-кечаклар ва ҳоказолар). Техника тараккиёти хаётимизга рангли фотосурат, рангли теле-видение, рангли кинофильм ва бошқаларни олиб келди. Табиат муъжизаси бўлмиш мева-сабзавотлар ўзига хос хуш таъмлигидан ташқари, ўз шакли ва рангларига эга! Гулларнинг нафис рангларини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси инсон яратадиган санъат асарларига манба, замин ва ашёдир. Табиат манзараларининг жозибали кўринишлари ҳам

одамлар ҳайратини қозонади. Албатта, ёруғлик нурлари тушгандагина ранглар ўз кучини тўлиқ намоён қила олади. Муддаога яқинлашиб шуни айтиш мумкинки, биз яшаб турган хонадонлар, тарихий меъморий обидалар, фойдаланадиган транспорт воситаларимиз, озиқ-овқат маҳсулотларимиз ва хоказолар ўзининг муайян шакли ва рангига эга.

Меъморчилик ва дизайн мутахассислигини танлаган талабалар тасвирий маҳоратларини ошириш борасида ўқув дастурига киритилган расм (каламтасвир), рангтасвир ва ҳайкалтарошлик машғулоти жуда муҳим аҳамиятга эга эканлиги маълум. Санъатнинг турли соҳалари сингари (музыка, рақс, поэзия ва ҳ.к.) ҳар кунти меҳнат тасвирий санъат маҳоратини ривожлантиришда ҳам асосий заминдир. Ҳали ҳеч ким гувоҳи бўлмаган, лекин меъмор онгида шаклланган меъморий ансамбллар тасвирини тушириш учун қаламтасвир ва рангтасвир маҳорати ва бинолар макетларини ясашда ҳажм сезиш ва ҳайкалтарошлик маҳоратига эга бўлишлари керак.

Бизни ўраб турган атроф-муҳитни аниглаш, табиатдаги рангларни чуқурроқ сезиш қобилияти нафакат рассомлар ва амалий санъат усталари учун балки меъморлар ва дизайнерлар учун ҳам жуда зарур. Зеро, меъмор ва дизайнердаги ўзига хос бу фазилат бежирим лойиха ва макетларни бажариши билан бирга улардаги ранг бойлигини таъминлаш имконини ҳам беради.

Тасвирий ва амалий санъат соҳаси мутахассисларини, меъмор ва дизайнерлар тайёрлашда яъни, бадий етук, Ватанга ва миллий санъатга садоқат руҳида тарбиялаб вояга етказишда тасвирий санъат хусусан, қаламтасвир предметининг ўрни бекиёсдир. Бу эса олий ўқув юртлари ва факультетларида ўқитилаётган ва ўзлаштирилаётган махсус фанларнинг чуқур асосли бўлишини тақозо қилиб, педагог ва олимлар зиммасига юксак вазифаларни белгилайди.

Қаламтасвир бадий таълим тизимида ўқитиладиган барча фанларнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Қаламтасвир билимлари ва чизиш малакаларини эгалламай туриб, талаба рангтасвир, ҳайкалтарошлик, композиция, халқ амалий санъати ва бошқа фанларни юқори даражада ўзлаштира олмайди.

Вазият тақозасидан келиб чиқиб, меъморчилик-қурилиш институтлари меъморчилик факультетларида мутахассислик

фанлар, хусусан ўқув қаламтасвири машғулотларини ўқитишчи анъанавий услублари асосида янги технологик тизимини ишлаб чиқиш ва илмий жиҳатдан асосланган янги йўли, шакли, мазмуни ва услубларини такомиллаштириш долзарб муаммолардан хисобланади.

ҚАЛАМТАСВИРНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Қаламтасвир-барча тасвирий санъат турларининг асоси хисобланади. Меъмор, дизайнер, конструктор, рассом амалий санъат усталари ўзлари яратаётган асарларининг қораламалари (эскизлари)ни аввало қаламда дастлабки чизгилари билан ифодалайдилар. Шу тарика ўлкан меъморий муҳитда ўз уйғинлигини топган монументал хайкаллар ва деворий рангтасвир асарлари юзага келади. Қаламтасвирсиз юкорида қайд этилган кенг маънодаги ижодий фаолиятни тасаввур этиб бўлмайди.

Қаламтасвирда бажарилган иш тасвирий ва амалий санъатнинг бошқа турлари сингари тугалланган дастгоҳли санъат асари бўлиши ҳам мумкин. Тушъ, сангина, соус, постель ва қаламда бажарилган кўпгина график асарлар жаҳоннинг нуфузли санъат музейи ва кўرғазмаларидан муносиб жой олган.

Тасвирий санъатнинг энг қадимги тури - расм чизишдир. Ҳали гаплаша олмайдиган ибтидоий одамлар тигли буюмлар билан тош ва ғор деворларига турли тасвирлар чизиб, ўз фикрларини бир-бирларига баён қилганлар. Суратлар асосан ён томондан соддалаштирилган ҳолатда ёки схематик кўринишда тасвирланган.

Самарали услубда мунтазам олиб борилган қаламтасвир машғулотлари борлиқни идрок этиш, онг ва сезги органларига мутаносиб равишда кўлнинг чизиш маҳоратини ошириш фақатгина бўлажак рассомларгагина эмас, балки бошқа касб соҳасидаги кишиларга ҳам зарурдир.

Бу борада уйғониш даврининг буюк рассоми ва олими Леонардо да Винчи ўзининг "Рангтасвир қонунлари" номли асарида ҳам таъкидлаб ўтган эди: "Ёшлар, илм-фан, тасвирий санъатда ўзларини синамоқчи бўлсалар, аввало расм чизишни мукамал билмоқлари лозимдир".

Бошқа мутахассислик фанлари каторида бўлгуси меъмор ва дизайнерларни тайёрлашда каламтасвир машғулотлари салмоқли ўринни эгаллайди. Мазкур дарслар иккала йўналиш талабаларига ҳам 1-1V курсларда қисман назарий ва асосан амалий машғулотлар орқали олиб борилади. Бўлажак мутахассисларнинг кейинги ижодий ва илмий фаолиятларини юқори савияда бўлишлигини амалий машғулотлар қатори уларга бериладиган назарий билимлари ҳам белгилайди.

Расм чизишни ўрганиш талабаларга атрофдаги жисмларнинг хажмини ҳаққоний тасвирлаш билан бирга уларнинг эстетик дидларини ўстиришда катта аҳамиятга эга.

Расм чизиш асосларини ўрганиш, нарсанинг (тузилишини англаб таҳлил қилган ҳолда) ўзига қараб босқичма-босқич тарзда тасвирлаш оддийдан мураккабга принципида қурилган.

Тасвирий санъат билан шуғулланадиган кишиларнинг фазилатлари табиатга бўлган мухаббат, ўта кузатувчанлик ва буюмларни ҳаққоний тасвирлашдан иборат бўлмоғи керак.

Тош ва ғор деворларига чизилган тасвир мавзуси афсонавий ва турли маросимларга бағишланган бўлиб, ўша давр одамларининг дунёқарашларининг дастлабки кўринишларини ўзида ифода этган.

Шулар асосида кейинчалик ёзув пайдо бўлиб ривожлана бошлади. Табиатни бевосита кузатиш ва унга тақлид қилиш билан одамлар тасвирлаш борасидаги илк бор малакаларини эгалладилар.

Расм чизиш иштиёқи ва инсонларнинг гўзалликка интилишлари кундалик ҳаётда фойдаланадиган буюмларини безаш орқали ривожланди. Сопол идишлар юзасига турли нақш ва тасвирлар тушуришнинг пайдо бўлишидан бошлаб тасвир ишлашнинг дастлабки услублари юзага келди. Энди устоз-шогирд йўли билан ўқитиш жараёни олиб борилад, устозлар шогирдлари ишларини кузатиб, кўрсатмалар бериб борардилар. Шу йўсинда шогирд масъулияти ортиб бежирим ва сифатли маҳсулотлар чиқишини таъминлаган.


Мазкур анъанавий услуб ҳозир ҳам халқ амалий санъати ва хунарамандчилиги соҳаларида ўзига хос шаклда отадан фарзандга мерос тарзда ўтиб келмоқда. Самарқандлик таниқли кулоллар уста Умар Журақулов ва Абдурахим Мухтровларнинг оилавий

ижодларини фикримизнинг далили сифатида айтиш мумкин.

Юкорида таъкидлаганимиздек, расм чизиш машғулоти тасвирий санъатнинг асоси ҳисобланиб, табиатдаги жамики нарсаларнинг фазовий шаклларини текислик ёки сиртларда тасвирлашни мақсад қилиб қўяди. Турли хил йўғонлик ва узунликлардан ташкил топган чизиклар мажмуаси (тўплами) восита вазифасини ўтайди. Чизиш каламлар, мўйқаламлар, бўр, кўмир, сангина, соус, тушь, пастель, фламастерда бажарилади. Бундан ташқари дастгоҳли графика асарларини яратишда ёғоч, линолеум, металл пластинка, тош ва бошқа юзаларга уйиб, тирнаб, қирқиб тасвир чиқаришда фойдаланиладиган асбоблар киради.

Гравюра, ҳайкалтарошлик ёки тасвирий санъатнинг бошқа турлари мураккаб ижро жараёнида амалга оширилади. Расм чизиш техникасини ўрганишда бу талаб бўлмаса ҳам кўп машқ қилишга тўғри келади. Қизиқиш, иштиёқ, кунт, тоқат ва меҳнатсеварлик муваффақият гаровидир. Бу қизиқарли ва завқли машғулот расм чизиш иштиёқи жўшиб турган болаликдан бошлангани мақсадга мувофиқ бўлади. Расм чизишни ўрганмокчи бўлган барча қизиқувчиларга қисқача тушунчалар, йўл-йўриқлар ва маслаҳатлар бериш қўлланманинг моҳияти ва мақсадини белгилайди.

Расм чизиш учун керак бўладиган асбоб, қурол ва материалларни тайёр қилиш иш жойини жиҳозлаш, тасвирини чизиш мўлжалланган натураларни танлаб олиш керак.



1-расм. Қаламни учини чиқариш.

Қаламтасвирнинг асосий ифода воситаси бўлган чизикларни чизишда турли қаттиқлик ва юмшоқликдаги қаламлар ишлатилади. Машқларни калин ва пишиқ қоғозларда бажаришдан бошлаган мақул. Албатта, бунда унча юмшоқ

бўлмаган каламлардан фойдаланишга тўғри келади, чунки юмшоқ каламларда чизилган чизиклар иишинг дастлабки жараёнидаёқ кўл ва бармоқлар тегиши натижасида суркалиб, тасвир ифлосланиб қолади. Ута каттиқ каламлар юмшоқ, зич бўлмаган қоғозлар юзасини тирнайди ва ўчирилган жойларида чуқур кетмайдиган из қолдиради. Оддий графит каламлар кул-рангроқ бўлиб, сифатли ва куюқ ранга эга эмас. Каламлар асосан уч гуруҳда чиқарилади, Яъни қора графитли, кимёвий (химический) ва рангли. Булар турли каттиқлик даражаларига эга. Т(твёрдый-каттик), МТ(мягкий-твёрдый-ўртача), М(мягкий-юмшоқ)(чет эл каламлари-Н, НВ,В) ҳарф олдида унинг каттиқлик ва юмшоқлик даражасини кўрсатувчи сон ҳам бўлади: 2Т, 2М, 3М, 2НВ, 2В ва х.к. Давомли ишлар ўрта юмшоқликдаги каламда ёки ТМ ва М да бошланади. Тугаллаш жараёнида янада юмшоқроқ каламлар ишлатилади 2М, 3М, 6М ва х.к. Каламнинг учи ёзуви тўғри томонидан яхшилаб чиқарилиб ишга тайёрланади.

Қоғоз, картон, фанер ва бошка материаллар текислигидан расм чизиш учун фойдаланиш мумкин. Булар ўз технологик сифатига кўра, ташки муҳит таъсирига бардошлигиги билан бирга ёруғликка кам чидамлидирлар. Маълумки, расм ўкитишнинг дастлабки жараёни гипс моделларни чизишга қаратилгандир. Шу боис оқ қоғозда машқларни бажариш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда оқ қоғоз тасвирланаётган гипс моделнинг энг ёруғ нуқтаси қоғоз оклиги кучида қолади. Моделнинг ёруғлик манбаига яқин бўлган юзалари энг ёруғ, ундан узоқ юзалар эса кам ёруғлик тушадиган юзалардир. Сатҳи нотекис бўлган қоғоз юзасида тасвир бажариш анча ноқулайликларни келтириб чиқаради. Хатто анча тажрибали киши ҳам бу юзада ишнинг бошланғич жараёнида ишлатиладиган тўғри чизикларни амалга оширишда кийналиб қолади. Равон ҳаракат қилаётган моҳир кўлда калам учи паст баланд қоғоз юзасида гоҳ тегиб, гоҳ тегмай турли узук-юлук қалин-йўғон чизикларни ҳосил қилади. Қоғоз сатҳини текислаш чораларини куриш лозим. Бунинг учун куйдаги талабаларга риоя қилишга тўғри келади:

- 1) Қоғозни планшет-тахтага тортганда, ёки хўллаганда кийшаймаслиги керак.

- 2) Қоғоз чизаётганда осилиб ёки тахтадан сурилиб кетмас-

лиги керак;

3) Қоғоз юзаси ғадир-будурлиги майда донлик, ўрта донлик ва йирик донлик хусусиятга эга бўлиши керак; (Ута силлиқ ва ялтироқ қоғоз сатҳида тасвир тушуриш нафақат мушкуллашади, балки калам графитининг ранги яхши сакланиб ҳам қолмайди).

4) Қоғоз юзаси оқ бўлиб узок вақт ўз сифатини яхши сақлаши керак;

5) Учирганда чизилган калам излари енгил кетиши қоғоз ва гозаси бузулмаслиги лозим;

Қоғоз ўлчами ихтиёрий бўлиши мумкин, факат №11 формат (297x2 Юмм) ўлчамдан кичик бўлмаслиги керак № 12 (297x420мм) ўлчамли қоғозда дастлабки машқларни бажариш айти муддао бўлади. Кейинчалик чизиладиган нарсаларнинг хажми катта бўлса каттарок форматларда яъни стандарт қирқилган катта варақ қоғоз ярми ўлчамида ҳам бажариш мумкин. Демак, қоғоз ўлчамлари, мм ҳисобида қуйидаги формат 210x297, 420x297, 420x594, 594x841 ва 640x878 да ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари эни ёки 100 ёки 200 см бўлган ўроқли (рулон) қоғозлар ҳам бўлиши мумкин. Бундай қоғозлар планшет-тахтага тортилиб, уларнинг юзаси плакат ва бадий безак ишларини бажариш учун ишлатилади.

Планшет тахтага қоғоз тортиш тартиби:

а) тоза оқ қоғозни тортиш учун иккала томони сув шимдирилган оқ тоза пахта, юмшоқ латта, паралон ёки катта ҳажмли туклари юмшоқ флейс ёрдамида ҳўлланади. Қоғоз бироз сувини тортгандан кейин планшет-тахта унинг устига текис қўйилади. Қоғоз атрофидан ёпиштириш учун 25-30 мм ортиқча жой қолдирилади;

б) кейин планшет-тахта чеккасига елим суртилади. Бироз унни сув билан қуюқроқ (қаймоққа ўхшаш) қоришмасини елим ўрнида фойдаланиш мумкин. Қоғоз планшет-тахтага жипс ёпишиб туриши керак;

в) энди планшет-тахта қоғоз билан бирга тўнтарилиб қоғознинг ўртасидан чекка ёнларига қараб қўл билан секин сидириб, буришган жойлари қолдирмай тортилади. Шу тариқа қоғоз ёнлари планшет-тахтанинг тўрт томонига ёпиштирилади. Ўлчами катта бўлмаган планшет-тахтага қоғозни қнопкалар билан ҳам қоғоз сиртини ҳўллаб ёпиштириш мумкин.

Маълумки, расм чизиш заллари махсус мольбертлар билан жиҳозланган, планшет-тахта бўлмаган холда коғозни кнопка билан тўғридан-тўғри мольберт сатхига маҳкамланади. Шундай қилиб каламларнинг учи синиб қолмаслиги учун қаламдон. юмшоқ ўчирғич кнламтарош, қаламнинг графит кисмини ўткирлаш учун бир парча жилвир коғоз ва кнопкалар керак бўлади.

Тасвирий санъат ибораси билан айтганда, натура деб, расм чизиш учун асос бўлган барча объектни одам, ҳайвонот олами, техника ва уй-рўзгор буюмлари, меъморий бинолар ва қурилиш иншоотлари ва табиат кўринишларини атаймиз.

Шартли равишда натурани икки турга оддий ва мураккабга ажратиш мумкин. Расм чизишнинг оддий геометрик жисмлар (призма, пирамида, конус, цилиндр, шар ва хоказо) дан бошлаган маъқул. Улар конструкцияси жиҳатидан содда ва шакли тушунарлидир. Уй-рўзгор буюмлари тузилиш негизида ҳам ана шундай геометрик жисмларнинг турли ўлчамдаги кўринишлари ётипиши англаб етиш керак.

Расмни натурадан ёки ҳаёлан хотирада сакланган образлар орқали чизиш мумкин, лекин чизишни энди бошлаган ёшларнинг кўплари, чизилган тасвирлардан нусха кўчиришни хуш кўрадилар. Бунда албатта фазодаги уч ўлчовли нарса ва предметлар, ёруғ-соялар ҳисобида тўлиқ ҳажмда тасвирлансада картина текислигида жойлашган бўлади. Энди расм чизишни ўрганувчилар учун натурага қараб расм чизиш муҳим аҳамиятга эгадир. Натурадан чизишни яхши ўзлаштирмай, ўйлаб ҳам, хотирлаб ҳам яхши чизиб бўлмайди.

Натюрмортни тасвирий санъатнинг жанрларидан бири деб қараймиз. Француз тилидан олинган бу сўз "жонсиз натура" деган маънони англатади. Ҳаётда фойдаланилаётган буюмлар, гуллар, мева сабзавотлар ва хоказолардан натюрморт тузиш мумкин. Шулар асосида меъёрига етказиб чизилган расм ҳам натюрморт дейилади.


Санъатда кенг маънода ишлатиладиган сўз композиция деганда натурани танлаш ва қизиқарли қилиб қўйиш ҳамда коғозга тўғри жойлаштиришни тушунишимиз керак.

Натурага яхши ёруғлик тушириш билан унинг ҳажмини яққол намоён бўлишини таъминлаш лозим. Натура деталларини қийналмай чизиш учун расм чизувчи билан натура ораси тўғри

танланиши керак. Мольберт ёки тахтачага кнопка билан маҳкамланган қоғоз кўздан 30-40 см масофа узоқликда яъни чизувчининг узатилган кўли узоқлигида бўлиши лозим.

Расм чизишда ишлатиладиган ҳамма нарсалар тайёрлаб қўйилгач натуралар (натюрморт қисмлари) ни танлаб оламиз. Лекин чизишни бошлашдан олдин қаламни кўлда тутиш усуллари билан танишиб турли чизиклар чизишни обдон машқ қилишга тўғри келади. Бунда кўриш нуқтамиздан йўналтирилган нур чизаётган қоғозимиз марказига перпендикуляр тушган бўлиши керак. Бу ҳолатда чизувчининг кўриш қамрови чизилаётган тасвири тўлиқ эгаллаб натура билан таққослаш, нисбатлар, перспектив қисқариш ва конструктив кўришни доимо аниқлаб боришга имкон беради.

Шуниси диққатга сазоворки, биз ёзаётган пайтимизда, асосан кўлимиз (ҳар иккаласи, ҳатто тирсакларимизгача) ўқув парталаримиз ёки иш столимиз сатҳига таянган бўлиб, чарчокни унча сезмаймиз. Лекин деярли тик ҳолатда ўрнатилган қоғозга расм чизганимизда қалам тутган кўлимиз доимо муаллақ ҳолатда бўлиб, дастлабки машқлардаёқ турли йўналишда мунтазам қилинган фазовий ҳаракатлардан тез толиб қолади. Секин-аста ҳосил бўлган кўникма бизни бу ноқулай вазиятдан чиқаради.



2-расм. Қаламни кўлда тутиш усуллари


Юкорида айтилганидек, расм чизиш натурани қоғозга тўғри жойлаштиришдан бошланиши керак. Аввало чизилаётган нарсалар конструктив тузилиши жиҳатидан жуда оддий бўлиши ва шулардан бирини танлаш мақсадга мувофиқдир. Тўғри чизикларни чизишни пухта ўзлаштириш, текис томонли жисмлар (призма, куб, параллелолипед, пирамида, цилиндрнинг ён томонлари ва ҳоказолар ҳамда шулар асосида бўлган яшик шкаф, тумбочка, табуретка ва ҳоказоларни тасвирлашда, уларни уфк чизигига нисбатан ҳолатини аниқловчи нурларни ўтказишда ва ўқ чизикларини белгилашда жуда қўл келади.

Шунингдек, эгри айланма сиртлардан ташкил топган жисмлар (шар, тухумсимон нарсалар ва шулардан тузилган ҳамда қисман шаклини ўзгартирган тарвуз, олма, нок, чойнак, кўза, қовун, ошқавоқ ва ҳоказолар чизишда қўл ҳаракати иштирок этадиган эгри чизикларни чизиш кўникмаларига эга бўлиш керак.

Кузатиш нуқтаси жисм (ёки жисмлар тўдаси) шаюш ва ўлчамлари бўйи, эни ва баландлик нисбатларини (жисмлар тўдаси бўлса уларнинг ўзаро мутаносибликлари яъни пропорцияларини) ҳисобга олган ҳолда қоғозни мольбертга тик ёки ётиқ ҳолда жойлаштириш аниқланади.

Композицион изланишни енгиллаштириш учун қалин қоғозга (картон) чизилаётган қоғознинг аниқ нисбатларини бир нечта марта кичрайтирилган ўлчамда рамка қирқиб ҳосил бўлган туйнукча орқали бир кўзни беркитиб натурани кузатиш ва топилган энг маъқул ўқув масаласининг композицион ечимида бошлаш мумкин. Рамкача кўзга яқинлаштириш (бу ҳолда на-
тюртморт буюмлари кичрайгандек бўлиб туюлади), гоҳида узоклаштириш ўнг ва чап томонларга силжитиб тасвирланаётган жисмларнинг жойи ва ўлчамлари аниқлаб олинади. Қоғозда модел жойи ва ўлчамини кейинчалик ўзгартириш қийин бўлганлиги учун ҳам тасвирланаётган жисмларни қоғозда компа-новка қилиш (яъни жисмларни нормал катталиқда тўғри жойлаштириш), маураккаб ва масъу-лиятли вазифадир. Бундан таш-қари, қайта тузатишлар вақтнинг кетиши ва қоникарсизлик хиссиё-тини туғилишига олиб келади. Аниқ топилган композиция эса қизиқарли, таъсирчан расм бажариш давомидаги ҳамма босқичларда: чизикли конструктив куриш, шакл

хажмлари ёруғ соялар (тон) чиқаришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.



3-расм. Натюрмортни тўғри жойлаштириб олишда (компановка қилишда) фойдаланадиган картон рамкача.

Компановка қилиш жараёнини ижодий изланишнинг ўзаги дейиш мумкин. Буни тўғри бажариш учун моделни хотирада "мухрлаб" қоғозда хаёлая жойлаштириб кўриш керак.

Унча катта бўлмаган қоғозга бир неча эскиз-кораламалар қилиб, яхши чиққан композиция вариантыни тасвирланаётган жисмлар ўлчамини пропорционал катталаштирган ҳолда асосий қоғозга ўтказиш ҳам яхши натижа беради.

Композиция қонуниятлари айрим коидаларга риоя қилипши тақоза қилади.

1. Қоғоз форматининг геометрик марказини топиш. Қоғоз карама-қарши бурчакларини диагоналар билан тутуштириш ёки қоғоз ўртасидан ўтказилган вертикал ва горизонтал чизиқларнинг учрашган нуктаси топилади.

2. Натюрмортни чиза туриб унинг композицион марказини топа билиш керак. Одатда натюрмортда мазмунан каттароқ ёки асосийроқ нарса бўлиши керак бошқача айтганда натюрмортда доимо қайсидир предмет асосий ва колганлари эса иккинчи даражали бўлади.

3. Геометрик ва композицион марказларнинг устма-уст ёки ўзаро мос тушишига эриши птарт эмас.

Геометрик марказнинг мўлжалини олган ҳолда предметлар

гурухи умумий баландлиги ва энининг чекка нукталарини қоғозда белгилаб олинади. Бунинг тўлалигича қоғозга шундай жойлаштириш керакки, кейинчалик тасвирни чапга, ўнгга, пастга, юкорига силжитиш истаги қолмасин. Чизилаётган нарсалар қоғоз сатҳига жойлашганда шу жой уларга торлик қилиб қолмасин. Ниҳоятда кичик тасвир ҳам тўғри келмайди, чунки бу ҳолда натюрморт предметлари қоғоз юзасида "сузиб" юргандек туюлади ва таъсирчанлиги йўқолиб иккинчи бўш жой тасвир чизишининг ўзидагидек муҳим аҳамиятга эга.

Тасвирланаётган предметлар ўзаро мутаносибликда мувозанати ва таъсирчанлиги бўлсагина энг яхши композицион ечимга эга бўлади.

ШАКЛ (ФОРМА) ҚУРИЛИШИ ВА КОНСТРУКЦИЯСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Одатда қаламтасвирга ўқитиш (ўргатиш) таркибида оддий геометрик жисмлар мужассамлашган табиат ёки инсон қўли билан яратилган мева, сабзавотлар ва турли хил буюмларни таҳлил қилиш ва чизишдан бошланади.


Предметлар ҳажми уч ўлчамда белгиланади, бўйи, эни ва баландлигига бўлган нисбатларда келиб чиқиб ташқи кўриниши сиртининг силлик ёки ғадур-будурлигини билдирувчи хусусиятларга ҳам эътибор бериш керак.

Расмда шакл ва ҳажмнинг ҳаққоний ўхшашлигига эриши учун предметни ҳаёлан тиниқ, гўёки шишдай тасаввур қилиб унинг конструкцияси ички тузилишини ўрганиш ва тасвирлаш керак. Бошқача айтганда, конструкцияни таҳлил (анализ) қилиш керак.

Чизикли конструктив тузулиш учун буюм қандай содда ёки мураккаб бўлишидан қатъий назар у конструктив тузулишга эга. Конструкция бу буюмнинг ўзаги ички тузулиши, таркибий қисми бўлиб унинг моҳияти ва мазмунини белгилайди. Шуларни англай, амал қилган ҳолда бажарилган иш албапа яхши натижа беради.

Буюмларни шаклига қараб хусусиятларини уч турга ажратиш мукмин: қиррали, юмалоқ ва комбинациялашган (яъни би-

ринчи ва иккинчисининг умумлашгани) киррали геометрик жисмларга куб, призма, пирамидалар киради. Уларнинг сиртлари турли бурчакли геометрик текисликлар билан чекланган юмалоқ геометрик жисмлар ёки шуларнинг ўқ бўйлаб ўтувчи кесувчи текисликни тўлиқ айлантирганда, фазода айнан шу жисмларнинг тўлиқ сиртларини ясовчи из қолдирадиган шар, цилиндр ва конус ҳисобланади. Уларнинг характерли томони сиртки юзасининг эгрилиги лекин цилиндрнинг фақат устки ва остки асоси доиравий текислик бўлиб, ён томонлари ясовчи тўғри чизикли сиртдан иборатдир. Тўғри ва эгри юзаларнинг уйғунлашуvidан комбинациялашган жисм юзага келади.



4-расм. Тўғри ва эгри чизиклардан ташкил топган текисликлар ўқи бўйлаб тўлиқ айлантириб фазода айнан шу жисмларнинг ҳажмини яшаш.

Натурадан "модель" деб расмда белгиланган ҳар қандай буюм-ни биз онгли равишда фазовий чегаралари бўлган ташки сиртини биз ҳаёлан ажратиб унинг ички тузилиши ва яхлит ҳажмини идрок қиламиз.

Чизишни бошловчиларга хос бўлган хато шундан иборатки, у буюмнинг яхлит структурасини англаб етмасдан фақатгина ўзига кўриниб турган томонини кўчириб чизишга ҳаракат қилади. Натижада ясси тўлиқ ҳажмга ва яхлитликка эришилмаган, унча ҳаққоний чиқмаган тасвир ҳосил бўлади.

Буюмнинг ҳажмини беҳато ва таъсирчан чиқариш учун унинг ички таркибий қисмини белгилов-чи, туташган (кесишган) асосий нукта ва чизиқлари тушунчаларига мурожаат қиламиз. Улар ёрдамида ҳажм конструкциясини белгиловчи ўзаро фазовий ўрнини осонгина аниқлаш мумкин. Қирралик буюмларда бу асосий нукталар фазовий бурчаклар учларида энг чеккасида мужассамлашган. (5-расм).

Масалан куб конструкцияси асоси квадрат шаклида бўлган олтита текисликнинг туташган (кесишган) жойидаги жисм ҳажмини белгиловчи ўн иккита қирра ва уларнинг учлари ҳосил қилган саккизта асосий туташ нукталардан иборат.

Туташ нукталарининг ўзига хос фазовий ўрнашганлиги асоси квадрат шаклига эга бўлган пирамида конструкциясида кузатиш мумкин. Бу асос бурчакларида туташган тўртта нукта, уч-бурчак шаклидаги тўрт ён томонини ташкил этган текисликлар-нинг юқори бурчагида туташган нукта (учи) ва ҳамма томони текисликларининг туташган саккизта қирра чизиғидан иборат.

Сирт структураси модел конструктив таҳлили буюм ҳажми асосида ётувчи икки ўлчов (эни ва узунлиги) ва уч ўлчов меъёрларини билиб чизиш маҳоратини эгаллашда жуда асқотади. (4-расм).

Расм чизиш машғулотларига киришишдан олдин тасвирланаётган буюмни тўла тасаввур қилиш мақсадида уни ҳар томонидан кузатиб мукамал ўрганиш керак. Сирт конструкцияси ҳақида тўла хулоса чиқариш учун, унинг ички тузилишини ўзига хос йўналиш, қирқим ва ўк чизиқларини белгилаган ҳолда бир нечта эскиз-қорамалар чизиб кўришга тўғри келади.

Демак буюмни ҳаққоний тасвирлаш учун унинг чизикли конструктив тузилишига аҳамият бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Хар қандай натурани тасвирлашнинг дастлабки босқичи қоғоз варағига композицион жойлаштириш (компановка қилиш) билан бир қаторда чизикли конструктив куришни ҳам тақозо қилади.

Буюмнинг конструктив тузилишини унинг асосий қисмларидан, ёрдамчи чизиклар ўтказиш йўли билан амалта оширилади. (конус, кўза, пирамида ва ҳоказо).

Айни пайтда буюмни чизикли конструктив тузилишини перспектив қонун-қоидаларга тўлиқ риоя қилган ҳолда тасвирлаш зарурлигини унутмаслик керак.

Буюмларда ҳажмни тўлдирувчи меъёрий ўлчам баландлиги ва энининг нисбатлари мавжуд. Бу эса буюмларнинг нисбати дейилади. Бир неча буюмлардан тузилган натюрморт ўз нисбатларидан ташқари ўзаро катта-кичиклигига қараб ҳам нисбатларига эга. Ҳаққоний тасвирлашда буюмлар нисбатини ва фазовий чуқурликдаги ўрни ҳамда уларнинг уйғунликларини тўғри аниқлай олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Гипс розетканинг баландлигини энига нисбатан катталигини аниқлаш учун қўлга қаламни ушлаб охиригача узатган ҳолда розетканинг кичик томони энини ўлчамини қаламда бош бармоқ билан белгилаб розетка баландлигига қўйиб таққослаймиз. Шу ўлчов бирлиги конструктив куриш жараёни охиригача масштаб бўлиб хизмат қилади. Шу усулда бир гуруҳ буюмлардан тузилган натюрморт ўзаро, нисбатларини тўғри тасвирлаш мумкин.


Ҳажмлар. Қирралари, баландлиги, бўйи ва энининг мавжудлиги хар бир буюмнинг ҳажмини белгилайди. Буюм ҳажмининг сатҳида тўғри чизиклар ётса, унинг ҳажми текис юзадан иборат бўлади. Сирти эгри чизиклардан иборат бўлган буюмлар (шар, цилиндр ва ва бошқалар) ҳажмлари анча салмокли бўлади. Одатда чизикли конструктив куриш контур чизикларда бажарилади. Буюм шаклини тасвирлашда контур чизиги муҳим аҳамиятга эга. Буюмнинг тузилиши, нисбатлари ва ташқи киёфасини намоён этишда рассом контур чизиклардан фойдаланади.

Тасвир ҳаққонийлигига эришиш учун қалам тасвир қонуниятларига босқичма-босқич амал қилиш:


а) тасвирни қоғоз varaғига тўғри компановка қилиш;
 б) перспектива коидаларга риоя қилган холда чизикли конструктив куришни амалта ошириш;

в) буюмнинг ёритилганлигидан келиб чиқиб ёруғлик сояларини белгилаш яъни тўғри туслаш (штрихлаш) орқали унинг тўла-тўқис ҳажмини чиқариш орқали амалга оширилади.


Қиррали буюмларда масалан куб ҳажмини тасвирлашда кўп холларда талабалар хатога йўл қўядилар. Кубнинг ёруғ соялари орқали ҳажмини тасвирлашда уни янада ёркинроқ акс эттириш учун унинг қирраларини контур чизик билан бўрттириб кўрсатадилар. Моҳирона яқунланган қалам тасвирда ажралиб турган контур чизиклар умуман қолмаслиги керак. Чунки соя ёруғликлар бир-бирига енгил ўтиб ишнинг яхлитлиги, умумийлиги ва яққоллигини таъминлайди. Маълумки сояни ёруғликка яқин чегаралари кучлироқ бўлади, чунки жисм атрофига тушаётган ёруғлик нурлари қайтиб унинг пастки ва ёруғликдан узоқроқ жойларидаги соялар кучини қирқади.




а)



б)



в)



5-расм. Геометрик жисмлар ва уларнинг конструкциясини белгиловчи асосий таянч нукталари. а)-квадрат, куб; б)-пирамиданинг марказидан ўтган учбурчак, қирқим юзаси; в)-доира, цилиндр, шар; г)-конус; д)-овал, эллипс, эллипсоид.

Думалок шаклли буюмларни ҳажмлари эллипс ва айлана чизиклар йўналишида бажарилади. Уларнинг юқори сатҳи (экватор қисми) тус жиҳатидан кучлироқ бўлади. Шарсимон буюмларни тасвирлашда ҳам қиррали буюмларда бўлган каби, четлари куюқ контур чизик бўрттириб кўрсатилмайди. Нисбатлар таққосланиб, чизикли конструктив тасвир бажарилганлиги сингари жисмнинг турган ҳолатига қараб ёруғлик кучи орқа фондаги сояларга таққослаб олинади.

Энди чизикли конструктив боскични аниқ ва тўғри бажаришда қўлланиши зарур бўлган перспестива ҳақида батафсилроқ тухталиб ўтамиз. Бу фанни ўрганмай туриб пухта ва мукамал расм чизишнинг амри маҳол. Тўғри, айрим пайтларда ўзимиз тушуниб етмасак ҳам бутун ҳис-туйғумиз (интуитция) билан бу амалга риоя қилиб аниқ бажариб қўйишимиз ҳам мумкин. Натура фазода ҳар қандай, баъзан жуда мураккаб кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Перспектива қонунқондасини яхши билиб олиш натурани ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри ва аниқ расм чизишга асос бўлади.

Уйғониш даври рассомлари ўтган асрлардаёқ инсоннинг қулатиш қобилияти қонуниятларит- ўрганиб, шу асосдаги натижаларни XV асрга келиб қаламтасвир, рангтасвирларда тадбиқ

этдилар. Тасвирий санъатдаги маълум ютук ва тажрибаларга эга бўлган рассомлар энди буюмларнинг шакли, ранги ва фазовий вазияти ҳақидаги илмий асосларни яратишга ўтдилар. Изланишлар натижасида пайдо бўлган инсондаги кўриш ва кузатиш қобилятини белгилайдиган фанни Италия рассомлари "Перспектива" деб номлашди.

Борлиқ дунёни кузатиш натижаларини буюк итальян рассоми Леонардо да Винчи системалаштириб уч йўналишга ажратди. У ҳажми бир хил (катталиқдаги) буюмларни кузатувчидан узоқлашган сайин кичрайиб кўринишини (ўзгариши'ни) чизикли перспектива деб атади.

Хаво бўшлиқларига кириб узоқлашган буюмлардаги рангларнинг ўзгариши натижасини ранг ва хаво перспективаси деб атади. Еруғлик ва соянинг кучи ранг жарангдорлиги ва манзара элементлари кузатувчидан узоқлашгандаги ўзгариш хусусиятларини Леонарда да Винчи 3 йўналишида таҳлил қилади.

Аниқ фанга айланиб боргани чизикли перспектива "тури рассомлар учун ҳар хил материаллар" (қоғоз, мато, деворий сурат) юзасида чуқурликни кенгликни ифодалаш имконини яратди.

Уйғониш даври рассомларидан Паоло Учела, Альбрехт Дюрер Леонардо да Винчилар чизикли перспектива қонунларини ишлаб чиққанлар. Кейинги йиллар мобайнида бир қанча олимлар ўқитувчи рассомлар меъморлар, тасвирий санъат усталари шу соҳада илмий изланишлар ва ижодий ишлар олиб бордилар. Шулар жумласидан рус раштасвир усталари Н.Н. Ге, Крамской, В.Д.Поленов, К.Ф.Юонларни эслаб ўтиш мумкин.

Уйғониш даври рассомларининг тасвирий санъат бўйича ишлаб чиққан перспектива қонунлари кейинчалик ижодкор рассомларга ноёб амалий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Уз навбатида бу уларнинг жаҳон тасвирий санъатининг ривожланишига ўлкан ҳисса қўшганликларининг далолатидир.


Перспектива деб натура ҳажмининг кузатувчидан узоқлашгани сари қисқариб, кичрайиб боришига айтилади.

Аслида параллел чизиклар учрашмаслиги геометриядан маълум, лекин ҳаётда кузатилганида улар албатта уфқ чизиғидаги бир нуктага интилади деб ҳаёлан кўзимиз баландлигидан ўтувчи горизонтал (ер сатҳига параллел) текисликнинг

уфқца (ер билан осмон чегарасида) туташган чизиғига айтилади. Қоғоз варағини кўзимиз сатҳида горизонтал тутиб чизиғини аниқлашимиз мумкин. Чизма геометрияда буни проекцияловчи текислик деб айтилади. Унинг ўзига перпендикуляр бўлган текисликда кесишган чизиғи ва проекцияланган (нур берган) да сояси (изи) чизик бўлиб қолади.

Бу ерда яна бир қонидани эслаш ўринли бўлади. Проекцияловчи текисликда ётган ҳар қандай шакл ўша текисликда ётади ва унинг изи билан қўшилиб кетади. Ўша кўзимиз сатҳида турган қоғоз варағида (бунда варақ проекцияловчи текислик вазифасини бажаради). Ҳар қандай шакл чизмайлик у варақ сатҳида ётиб, уфқда ҳам фақат чизик бўлиб кўринади.

Энди бу конун-қонидаларни тажрибалар билан амалда кузатиш мумкин. Конус, цилиндр асослари ёки шарнинг қоқ марказидан иккига бўлганда ҳосил бўлган бир хил ўлчамдаги доиралар диаметри, кубнинг, пирамиданинг асоси бўлган квадратнинг ёки призма асосини ташкил этувчи мунтазам олтибурчак ва ҳоказо ўлчамлари бир хил бўлса, улар бир узунликдаги чизик кесмаси бўлиб проекцияланади.




6-расм. Турли шаклдаги текисликлар уфқ чизиғида бир хил узунликдаги чизик кесмасл* бўлиб проекцияланади.

Картон текислигида 7-расмда кўрсатилганидек квадрат ва доира шаклида ўйиб олиб, ўша жойига марказдан ўтадиган ўз ўқи атрофида айланадиган қилиб жойлаштирсак перспектив қисқаришни яққол намоён қиладиган мослама ясаган бўламиз.

Қисқариш, айланиш (очишиш) даражасига қараб белгиланади. Кам очилганда қамроқ, кўп очилганда кўпроқ қисқаради.

а) расмдаги қисқаришни дераза, эшик ва шкафлар қия очилганда кузатиш мумкин.

б) расмдагисини эса горизонтал ҳолатдаги пол (уфқ чизиғидан пастда четлашиб кетган нурларнинг юқорига интилиб) ва потолокларнинг (уфқ чизиғидан юқорига интилувчи нурларнинг пастга йўналиб) қисқаришининг гувоҳи бўламиз.



7-расм. Тўғри тўртбурчак ёки квадрат текисликларнинг доира текислигининг қисқаришини кўрсатувчи мосламалар.


Демак, вертикал қисқаришда дарахтлар, симёғочлар кўп қаватли бинолар ва хоказо бўлса, горизонтал қисқариш уфқ чизиғига параллел бўлган, яъни буюмлар текислигида ётган ҳар қандай жисмлар остки ва устки сатҳи ва бошқа шунга ўхшаш юзаларда содир бўлади.

Буюм текислиги деб тасвирланаётган буюмнинг жойлашган юзасига айтилади. Ер, пол, стол ва бошқа чизиш учун бажарилган мосламалар сатҳи буюм текислиги вазифасини бажариши мумкин.

Кўриш нуқтаси. Танланган кўриш нуқтаси чизувчи билан тасвирланаётган буюмни боғловчи восита бўлиб хизмат қилади. Чизувчи ҳолатидаги кўриш нуқтаси натурадан ишлаш жараёнида ўзгармаслиги керак.

Кўриш майдони. Бу чизувчининг тасвирланаётган буюмни (натурани) кўриш камрови даражасидир. Буюмдан йўналтирилган нурни кўриш нақтамизга интилувчи "кузатиш конуси" (пирамида)си деб фараз қилсак, унинг асоси кўриш майдони ва учини эса кўриш нақтаси деб тушуниш мумкин. Кўриш майдонининг чегараси фазовий бўшлиқнинг катта қисмини эгалласада

лекин кўз майдон марказидаги предметларни аниқ ва равшан кўради. Кўриш нуктаси натурадан узоклашган сари, кўриш майдони кенгайиб, тасвирланаётган натуранинг тўлалигича чизиш имконини беради.



8-расм. Чизикли перспектив қисқаришни намойиш этадиган мослама.

Лекин натурани узок масофада туриб, унинг ҳамма қисмлари ва хажмларини тўлақонлик тасвирлаш анча мураккаб бўлиб қолади. Хажми катта бўлган объект якин масофадан кўриш майдонига сиғмай унинг ҳамма қисмларини кўз билан илғаб олиш қийин. Шу боисдан буюм (натура, объект) нинг кат-та кичиклигига қараб чамалаб масофани тўғри танлаш керак. Кўриш майдонини тўғри белгилаш чизувчидан ноёб сезги ва маҳоратни талаб қилади. Тасвирланаётган предметлардан чизувчигача бўлган масофа у(лар) умумий хажмининг уч марта катталашганига тенг бўлгани мақсадга мувофиқ бўлади.

Сурат текислиги бу натура билан чизувчи ўртасидаги нигоҳ (қараш) нури йўналишига тўғри бурчак остида (перпендикуляр) жойлашган ҳаёлий тиник текислик тушунилади. Яъни қисқача

тасвирланаётган натюрморт, манзара, портрет ва ҳоказолар билан рассом орасидаги бўшлиққа айтилади.


Чизилаётган буюмга тушган ёруғлик таъсирчанлигини ошириб шакли ва ҳажмини яққолроқ намоён қилгандан кейингина, рассом уни идрок этиб тасвирлашга ўтади. Сурат текислиги рассом билан натура ўртасидаги восита ҳамдир. Тасвир туширилаётган қоғоз, картон, мато (холст) юзаси ҳам сурат текислиги деб юритилади.

Талабалар чизмачилик ва чизма геометрия фанларини ўзлаштириш билан бирга қаламтасвир кўникма малакаларни эгаллашлари яхши ва самарали натижа беради. Чунки бу фанлар нукта проекциясидан то геометрик сиртлар ўзаро кесишувчи чизиқлар проекциялари ва яққол тасвирларигача ўрганиш жараенида талабаларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантириб, фикрлаш доирасини кенгайтиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қаламтасвирни ҳам оддий сиртларга эга бўлган геометрик жисмлардан (аввало биттаси ва кейинчалик бир нечтасидан тузилган натюрмортни) чизишдан бошлаш керак. Шу оддий геометрик сиртларнинг ташкилий қисми-томонлар (текисликлар)ни чизиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун кубнинг асоси бўлган квадратнинг перспектив кўринишини чизиш керак. Биринчи фронтал ҳолати яъни иккала томон чизиқлари кўриш нуқтамиз баландлигидаги, уфқ чизигигача параллел бўлган пайтда унинг ён томонларидан кетган чизиқларнинг маркази туташ нуқтасини топиш керак. Квадрат уфқ чизигидан пастда жойлашган бўлса, тепага қараб ва аксинча у юқорида бўлса ён томондан ўтувчи нурлар пастга қараб қисқариб боради ва уфқ чизигида бир нуқтада туташади. Бунда ён томонларидан ўтган нур билан квадратнинг уфқ чизигига параллел бўлган биздан узоқдаги (яъни иккинчи) томонидаги чизиқ билан туташган (кесишган) нуқталари ўша томоннинг перспектив қисқаришини белгилайди. Бу ҳолда квадрат трапеция кўринишига ўхшаб қолади. (9-а расм). Иккинчи ҳолатда квадрат ихтиёрий жойлашган бўлиб уфқ чизигидаги битта марказий нуқтага эмас, балки ҳар иккала ўнг ва чап томонидан йўналган қисқариб боровчи нурлар уфқ

чизигида иккита туташ нуқасини. ҳосил қилади. Бу қисқаришдаги квадрат қийшиқ бурчакли тўртбурчак ҳолига келиб қолади. (9-6 расм)



9-расм Квадрат перспективаси. а) фронтал ҳолати, б) бирор бурчак

Доира перспективаси. Доира (айланма) перспектив қисқаришда эллипс шаклига эга бўлади. Фақат марказдан ўтган уфқ чизигига параллел бўлган ўқ чизиги ўлчами ўзгармагани ҳолда эллипснинг қалинлиги (баландлиги) уфқ чизигидан пастга ва юқорига узоқлашган сари ортиб боради. Уфқ чизигига тўғри келган ҳолда эса, проекцияловчи текисликга ўхшаб ўз диаметри узунлигидаги чизик кесмасига айланиб қолади. Бунини биз юқорида этироф этган мосламадаги тажрибамизда ҳам кузатган эдик. Диаметри квадрат томонига тенг бўлган доира шу квадрат ичида жуда қулай жойлашади. Зарурият бўлиб қолса, аввал квадратни перспективада қуриб, сўнгра ичига эллипс чизилади. Эллипс қурганда чизувчига яқин яrimi, кейингисидан каттароқ бўлишига эътибор бериш керак. Перспектив қисқаришда қурилган квадрат ҳам, доира ҳам уфқ чизигидан пастда жойлашган бўлса, устки юзасини уфқ чизигидан юқоридагиси эса остки юзасини намоён қилади. Яна шуни унутмаслик керакки ҳатто энг қисқариб кўринган Эллипснинг ҳам катта ўқи

томонлари синмаган силлиқ эгри чизиқлар билан чегараланган' Эллипсни курганда ўзаро перпендикуляр бўлган горизонтал катга ва вертикал кичик ўқлар чизилади. Вертикал ўқда эллипснинг энг юқори ва энг пастки ўлчамлари (баландлиги) белгиланади. Горизонталда эса эллипс чекка нуқталари (эни) аниқланиб, шартли равишда шу нуқталар орқали вертикал ва горизонтал ўқ чизиқларига параллел чизиқлар ўтказиб ўзига хос тўртбурчак ҳосил қилинади. Энди шу тўртбурчак ичига силлиқ ва равон эгри чизиқ (овал бир нечта синиқ чизиқлар кесмаси) билан эллипсни кураимиз. Албатта кичик ўқнинг юқоридаги (узоқдаги) ярми пастки (яқиндаги) ярмига нисбатан перспектив қисқариш ҳисобига кичикроқ бўлади. Чизиқни силлиқлашга эллипснинг олдинги, қисмини кейинги пландаги қисмига нисбатан қалинроқ қилиш тасвирни тўғри идрок қилишда ёрдам беради.


Кубни перспективада куриш. Кубни уфқ чизигидан пастда ўнг ва чап қирралари ўртасидаги масофани бир хил бўлмаган узоқликдаги ҳолатида қилиб жойлаштирамиз. Ҳар қандай расмда ҳам буюмнинг конструктив тузулишини ўрганиш ва ташқи қиёфаси (шакли ва ҳажми) даги перспектив ўзгаришларни ҳисобга олиш керак. Бу ҳолатда кубнинг кўринадиган ва тик (вертикал) қирраларини кичиклигини аниқлаш лозим.

Кубнинг қирралари унинг бутун конструкциясини ташкил этганлиги сабабли куришни улардан бошпаш керак. Бизга энг яқин тик қиррасининг юқори ва пастки нуқталаридан қиялигини аниқлаган ҳолда горизонтал ён қирраларини ўтказамиз. Ҳозир, яъни куб уфқ чизигидан тўлиқ пастдаги ҳолатида остки ён қирралари усткиларига нисбатан анча қия бўлганлиги ҳисобига перспектив қисқариш юз беради. Кубнинг горизонтал ён қирралари орқали хаёлан нурлар ўтказсак, улар уфқ чизигида иккита туташувчи P1 ва P2 нуқталар ҳосил бўлиши керак.

Куб ён томонларини фазовий узоқлик (чуқурликдаги) чегараловчи ва вертикал қирраларини ўтказамиз. Қирраларнинг устки горизонтал чизиқлар билан кесишган (4,6) нуқталаридан яна уфқдаги нуқталарга қараб интилувчи нурлар ўтказилади. Бу нурларнинг ўзаро кесишган нуқтаси (8) куб устки асоси (квадрат)нинг тўртинчи бизга

кўринмайдиган қиррасининг устки нуктаси ҳисобланади. Энди 2 ва 5 нукталардан уфққа интилувчи нурлар ўтказиб, ўзаро кесишган 7 нуктани аниқлаймиз. Кубни бизга кўринмайдиган 4-чи вертикал қирраси ҳосил бўлади. Натижада кубнинг конструктив асоси шаклланади.

Кубни нур ва соя (тус) бериб штрихлаганимизда аста-секинлик билан тўла ҳажми намоён бўла бошлайди ва конструктив кўринишдаги 7-8, 5-7, 2-7 нукталари қирраларини ўчириш мумкин бўлади. Нозик ва енгил чизиклардан қолдирилса ҳам зарар қилмайди.



10-расм. Кубни перспектив тасвирлаш кетма-кетлиги.

Цилиндрни вертикал ҳолатида чизиш. Аввало цилиндрни уфқ чизиғига нисбатан ҳолати ва пропорция яъни энининг баландлигига нисбатини аниқлаш керак. Қоғоз варағи ўртасидан вертикал ўқ чизиғи ўтказамиз. Қайсики цилиндрнинг тик ҳолатини ва иккала томондан бир хил масофа қолдириб симметрик чиқаришда ёрдам беради. Шу чизикда ихтиёрий равишда ϕ баландлигида устки ва пастки асосларидан ўтувчи горизонтал чизикни ўтказамиз. Энди шу ўқларда цилиндр энини белгилаб бўлади. Ана шу тўғри тўртбурчак ўз ўқи атрофида хаёлан тўлиқ айлантирилганда фазодаги цилиндр сиртини ясайди. Кейин ўтказилган горизонтал чизикларда цилиндр устки ва остки асосларини қуриш учун кичик (вертикал) ўқларни ўтказамиз. Катта (горизонтал) ўқ узунлиги эса цилиндр ён томонларини

белгилаганимиздаги ҳосил бўлган ўлчамга тенг. Перспектив қисқариш эвазига пастки асос кичик ўқи узунлиги (баландлиги) юқориги асос кичик ўқи узунлигидан каттароқ бўлади. Ҳозирги вазиятда катта ўқлар узунлиги бир хил бўлавермайди. Кейинги ишлар худди айлана перспективаси куришдагидек амалга оширилади.

Цилиндрнинг горизонтал ва қия вазиятини чизишда эллипснинг катта ўқлари цилиндрнинг маркази ўқ чизиғига доимо перпендикуляр ҳолатда бўлишини ёдда тутиш керак. Шунинг учун биринчи навбатда қоғоз варағида цилиндр ўқининг йўналишини белгилаб олганда унинг асосларини, кейин эллипсларни куриш зарур.

Цилиндр ён томонлари уфкка интилувчи нурларда ётганли-ги, яқиндаги эллипс узокдагисидан ясси (энига) қисқароқ кўринганлиги сабабли энди уларнинг бўйи ҳам эни хам турлича бўлади. Кўзалар ҳар хил вазиятда тасвирланган бўлиши мумкин: тик ва турли йўналиш (қиялик)да. Ҳар қандай ҳолатда ҳам эллипсларнинг катта ўқлари кўза марказий ўқиға перпендикуляр бўлиб қолади.

Идишларни тасвирлашда цилиндрлик сиртға эға бўлган бўйин қисми шарсимон бўлган асосий қисми билан туташган чизиғига аҳамият бериш керак. Биз кўзани анча юқоридан кузатганлигимиз боис устидаги цилиндрлик қисми пастки шарсимон қисмини маълум микдорда бекитади. Шар сиртида цилиндрнинг пастки қисмининг туташадиган қисмини топиш керак. Тажрибасиз чизувчилар буюм конструкциясини уйламай шар сирти контурини цилиндр асоси билан туташтириб қўйишади. Бундай расм ҳаққоний ҳажмда чиқмайди. Устки асоси (қисми) беркитилган расм гўёки кўзанинг иккинчи ярми бўлиб идрок қилинади. Цилиндр бўйин қисмининг пастки эллипси шарсимон қисмининг контур чизиғи билан туташмаслиги керак. Кўзанинг ташкил этувчи шу икки қисмини ўзаро мос қилиш учун аввало шарсимон қисмини тўлиқ чизиб олиб, сўнгра қараш нуқтаимизнинг кжориданлигини ҳисобға олиб шарда айлана чизилади. Бу эса кўзанинг икки асосий қисми цилиндр билан шарнинг чизиғини ифодалайди. Бу вазиятда кўза цилиндри пастки асоси эллипснинг катта ўқи шарсимон сирти контури билан туташиб қолмайди.

Цилиндрик, конуссимон ва шарсимон юзаларга бирикувчи турлича қисмлари: балдоғи, жумраги ва ҳоказо кўринишдаги буюмларни чизиш анча мураккаблашади. Бу масалани ечишда қирқувчи текисликлардан фойдаланиш яхши натижа беради. Масалан чойнак жумраги ва балдоғи орқали ўтган хаёлий қирқувчи текислик чойнак ёки кастрюлнинг ён деворлари билан кесишган чизиқларида шу юзалар асосларини қуриш ва ўшалар орқали юқорида айtilган қисмларни тасвирлаш аниқ конструктив расм бажаришга замин бўлади. Конструктив кўринишнинг бу усули янада мураккаб буюмлар чизишда қўл келади.

Бир қанча машқлар билан цилиндр чизиш билимларини мустаҳкамлаш керак. Қанча кўп машқ бажарилса, кўз ўлчам бўлақларини шунча аниқроқ белгилаб, қўл цилиндр асослари эллипсларини шунча ишончлироқ тасвирлай олаверади.

Кўп қиррали призма ва пирамидаларни қуриш уларнинг асослари мос жойлашган айланаларни қуриш йўли билан анчагина соддалаштириш мумкин. Кўпқиррани чизиш кўпқирра асоси жойлашган айлана перспективасини қуришдан бошланади. Бунда асос узунлиги эллипс катта ўқи узунлиги билан мос (бир ўлчамда) бўлади.

Натурадан бурчакларнинг ўзаро ҳолатини кузатиб, эллипсда кўпқирра бурчаклари белгиланади ва ўзаро туташтирилиб асос яратилади. Тик ҳолатдаги призматик вазиятдаги цилиндр тас-вирларидек (уфқдан пастки кўринишида) пастки асоси юзаси баландлиги усткисига нисбатан кўпроқ, яъни катта қияликда чи-зилади.

Энди бир нечта машқлар билан ўзлаштирилган назарий билимимизни мустаҳкамлаймиз.

1. Цилиндрни хаёлан тик ва уфқ чизиғига нисбатан турли вазиятда чизинг;

2. Ётиқ ҳолатда жойлашган цилиндрни:

а) уфқ чизиғидан юқорида

б) уфқ чизиғидан пастда

в) уфқ чизиғи цилиндр ўқ чизиғига мос келадиган ҳолатида.

3. Цилиндр шаклидаги буюмлар (кружка, кастрюлка ва ҳоказоларни) натурадан юқорида кўсатилган турли ҳолатида (ўзига қараб) чизинг.

ПРОПОРЦИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

"Пропорция" лотинча сўздан олинган бўлиб "нисбат", "ўзаро муносабатлик" деган маъноларни англатади ва буюм ўлчамлари хусусиятидаги баъдий сифатини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда буюм уч ўлчамининг (бўйи, эни ва ба-ландлиги) ўзаро нисбатлари ёки мутаносиблигини тушунамиз. Энди буюм ўлчами меъёридан чиқиб натюрмортни ташкил эт-ган буюмлар ўлчамларининг ўзарс нисбатларини ва фазовий ўрнашувини ҳам тушунишимиз керак.

Буюмларни ўзаро катта-кичиклигини такқослаш орқали осонгина аниқлаш мумкин. Узунликка такқослаш уларнинг бири нисбатан "узунрок" бошқалари "қисқарок", баландлиги "баланд" ва "паст"; кенглиги "кенг" ва "тор"; хажми - "катта ва "кичик" (ёки масса вазни "оғир" ва "енгил")-

Буюмларнинг нисбий ўзаро мутаносиблиги аниқлангандан кейин, алоҳида олинган буюм ўлчамлари ойдинлаштирилади. Масалан кўза баландлиги энига нисбатан икки маротаба катта бўйин қисми эса шарсимон, корин қисмидан икки маротаба кичик ва ҳоказо. Шундай қилиб ҳар бир буюм асосий ва алоҳида қисмлари ўзаро муносабатини белгиловчи ўлчамларини ўзига хос томонларини аниқлай бориб, унинг пропорционал хусусиятини белгилаймиз. Бас, шундай экан пропорция асосида такқослаш усули ётади.

Пропорцияни теран ҳис қилиш ва уни амалда қўллай билиш иш муваффақиятининг гаровидир. Ажойиб рус рассоми Н.Н.Ге "Расм чизиш-бу пропорцияни кўриш демакдир" деб ўқтирарди.

Пропорция қанча аниқ бажарилса, расм шунчалик тўлақонлик ва таъсирчан чиқиши амалда исботини топган.

Алоҳида олинган буюм пропорционал нисбатини топиш, унинг шайслини катталигини, марказидан тенг иккига бўлишдан бошлаш қулай бўлади. Кейин оддий муносабатлардан буюмни ташкил этувчи майда қисмлари нисбатларини топишга ўтиш керак. Бу шароитда расм чизиш жараёни кетма-кетлиги "умумий-дан алоҳида қисмларга" принципи асосида амалга оширилади.

Пропорцияни натурага қараб ўлчаб аниқлаш услуби азалдан маълум. Қўлни охиригача узатган (тирсак букилмаган) ҳолда бармоқлар билан қаламни натура ва кўзимиз оралиғида тутамиз.

Бунда қалам асосий кўриш нурига катъий перпендикуляр ҳолатда бўлиши керак. Буюм ўқлари ва шакли чи-зиқлари бўйлаб керакли қисмлари ўлчамлари бош бармоқ қаламда тутган ҳолда белгиланади ва "кўчириб" бошқа қисмларига таққосланади. Ўлчов бирлиги-қалам иккита бўлиб кўринмаслиги учун бунда бир кузни юмиб нисбат белгилашга тўғри келади. Қаламда белгиланган бирлик бошқа қисмлари учун масштаб бўлиб хизмат қилади. Бу натура нисбатлари солиштирилиб (таққослаб) ўрганиш ва расмда тадбиқ қилиш усули дейилади.




11-расм. Буюм пропорциясини қаламда белгилаш усули.

Яна бир усулда белгилаб олган ўлчов бирлигимиз (масштаб) бир неча марта масалан (2 ёки 2,5) катталаштирилиб қоғоздаги тасвир ўринларига қўйиб борилади. Бунда ҳам компановка қилишдагидек натура билан чизувчи орасидаги масофа муҳим аҳамиятга эга. Бу масофа яқинроқ бўлса масштаб каттароқ бўлиб, тасвирда камроқ (2,5 ўринга 2, 2 ўринга 1,5 марта) катталаштиришни ва аксинча масофа узоқроқ бўлганда ўлчов бирлиги (масштаб) кичикроқ бўлиб тасвирда катталаштиришни сал-

моқлироқ бўлишини тақозо қилади.

Фазода ихтиёрий жойлашган буюмларнинг асосий ва ёрдамчи ўқ чизикларини ҳолатларини ҳам қалам узунлиги ёрдамида топиш мумкин.

Биз шартли равишда ишлатган тахминий "масштаб" иборасини албатта чизмачиликдаги масштаблар ва аниқ ўлчамлар билан чалкаштириш ярамайди.



12-расм. Буюмларни уфқ чизиғига нисбатан томонлари кияликларини ва пропорцияларини белгилаш усуллари.

Лекин бу "механик" усуллардан расм чизишни ўрганишнинг дастлабки боскичларида фойдаланиш керак. Шунақанги доимий машғулотлар кўзнинг "ўлчаш" қобилиятини ўстиришга салбий таъсир кўрсатади. Энди аввал кўз чамасида яъни ҳаёлан қисмларини ўзаро солиштириб тасвир белгилаб, кейин таққослаш усули билан буюм ўлчамлари аниқлигини текшириб кўриш керак. Ўқув жараёнини узоқ кузатиш ва олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, расм чизиш машқлари қанчалик мунтазам равишда кўп олиб борилса, уни бажариш жараёнидаги кўзнинг пропорция кўриш қобилияти ва кўлнинг чизиш маҳорати даражаси шунчалик ошади. Уз-ўзидан маълумки буюм ёки натура қисмларини қалам билан нисбатларини ўлчаб, таққослаб ўтириш кишига эришдек туюлади. Лекин бу нисбатларни аниқ бўлишга ёрдам беради.

ЁРУҒ СОЯ ВА УНИНГ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Энди расм чизиш "грамматикасининг" якуний қонуниятлари-буюмлар ҳажмини тўлақонли ҳаққоний тасвирлашда ёруғ-соя асосида тус бериш (штрихлаш) хусусиятларини урганиб амалда қўллаш кўникмасига эга бўлишимиз керак.

Аввало чизиқларнинг турлари ва вазифаларини билиб олсак.

Чизик хусусиятига қараб турли вазифаларни бажаришга қаратилади: буюмлар шаклини компановка қилиш ва чизикли конструктив куришда фойдаланиладиган кўп ҳолларда ингичка туташ кўринишдаги ёрдамчи чизиклар; буюмнинг фазовий ҳолатини ва ёритиши даражасини белгилайдиган фазовий чизиклар; декоратив амалий санъатда қўлланиладиган текислик чизиклари.

Фазовий чизикни гоҳида буюм олдинти қисмларини бўрттириб яққолроқ тасвирлаш учун қаламни қоғозга босиброк қалин кўринишда бажарилса, гоҳо буюмнинг чизувчидан узоқроқ қисмларини кўринар-кўринмас енгил чизикларда тасвирлаймиз.

Чизмачиликда ишлатиладиган чизик турларидан фарқли ра-вишда расм чизишда уларнинг фазовий ҳолатига қараб чизик қалинлиги шакли ва йўналиши турлича бўлиши мумкин. Сим контурга ўхшаган бир хил қалинликдаги чизиклар ишлатилган расмлар буюмни тўғри тасвирлаш ва идрок этишга ҳалақит беради. Чизик нафақат буюм сирти конструктив шаклини балки тусланганда тўлиқ ҳажмини намоён қилишда иштирок этиши керак.

Штрих - бу нисбатан қисқа чизикчалар бўлиб, буюм ҳажмини тўлақонли чиқаришда тус (ранг, тон) вазифасини утайди.

Штрихнинг таъсирчанлиги чизувчининг диди ва маҳоратига боғлиқ. Буюм конструктив тузилиши, юзаси ва ҳажмини чиқаришда штрих бериш усули (техникаси) катта аҳамиятга эга. Чизиклар чизилаётган буюм юзаси қисмларига монанд (ётган) бўлибгина қолмай ўша жойлар ва буюмнинг тўлиқ ҳажмини ифодалашини керак. Ёнма-ён қўйилган штрихлар тон бўлакчалари (доғчалари) сифатида идрок қилинади. Тон

(ранг) нинг тўқлиги штрихларни ўзаро зичлаштириш ва қоғоз юзасига кайта-кайта (устма-уст) такрорий штрихлаш ҳисобига амалга оширилади.

Ёруғ-соя буюм юзасининг ёритилганлик даражасини кўрсатади. Ёруғ-соя конуниятларини ва тонлар нисбати тушунчаларини ўрганиб, моҳиятини англаш ўқув қалам тасвирини эгаллаш имкониятини беради. Фақат ёруғ-соя орқали ясси думалпқ юзани шар ҳажмига айлантириш мумкин

Буюмдаги ёруғ-сояларнинг ҳосил бўлиши моделнинг ёруғлик манбаига бўлган муносабати ва ёруғлик кучига боғлиқ.

Буюм ҳажмини тўлақонли ҳаққоний тасвирлаш учун кўйидаги ёруғ ва соялар мажмуасига риоя қилиш керак.

а) ялтироклик;

б) ёруғлик; в) соя;

г) яримсоя;

д) акс ёруғлик (рефлекс)

Ялтироклик деб-буюмга тик тушган ёруғлик юзасининг энг кучли бўлакчаси ёки қисқача буюмнинг энг ёруғ жойига айтила-ди. Уни буюмнинг энг ёруғ қисмига яъни шиша, чинни, никел-ланган металл ёки сирланган сопол ва бошқа силлиқ юзали, ёруғликни қайтариш хусусияти кучли бўлган буюмларда куза-тиш мумкин.

Ёруғлик деб - предмет юзасига қуёш ёки сунъий ёритиш манбаларидан тик тушаётган нурларга айтилади. Айнан шу нурлар тушиб турган буюмларнинг қисмини ёритилган ёки ёруғлик қисми деб юритилади.

Соя -- буюмларнинг ёруғлик тушмайдиган юзалари яъни ёруғлик қисмининг орқа томонига айтилади. Бу соялар шахсий соя ҳам деб юритилади. Тасвирларни бажаришда туташувчи соялар ҳам учрайди. Буюмлар бир-бирини тўсиши натижасида шундай соялар ҳосил бўлади. Бу соялар буюм текислигига (стол ёки пол юзалари, ер ва ҳоказо) ҳамда тасвирланаётган буюмларнинг биридан иккинчисига ўтиши мумкин. Буюм ёруғлик манбаига қанчалик яқин бўлса, ундаги сояларининг ёруғликка яқин чегаралари шунчалик тўқ ва қўқж бўлади. Бу таассурот ёруғлик чегараси чизиги ёки шахсий соя чизиги номини олди. Қия равишда тушаётган ёки буюм юзасига уруниб ўтган ёруғлик нурлари буюмнинг ўша қисмларида ярим-сояларни ташкил этади.

Улар асосан ёруғлик ва соялар орасидаги юзаларга жойлашади. Буюмдаги ҳар қандай соялар бир хил тўқ тусда бўла-вермаслигининг сабаби ҳам ана шунда. Буюмлар ва буюмлар текислиги девор, турли хилдаги драпировкалар ва ҳоказо юзаларга урилиш натижасида тушувчи ёруғлик акс ёруғликни-рефлексни ҳосил қилади. Рефлекс буюмларнинг ўзаро жойлашув масофасига қараб кучли ва кучсиз бўлиши мумкин. Бу ерда яна бир нарсани яъни буюмлар оқ ва ёруғ ва ёрқин рангли (гипс, чинни ва ҳоказо) силлик ва ялтироқ юзаларида рефлексни яққолроқ намоён бўлишини ва аксинча қора, тўқ ва бўғиқ рангли ҳамда ғадир-будир юзларидаги рефлексларни илғаб олиш эса диққат билан кузатишни такозо қилади. Ҳар қандай ҳолда ҳам рефлекс буюмларнинг ёруғлик нурлари тик тушувчи юзалари-дек кучли бўла олмайди.

Юқорида таъкидланганидек, қўйилган натурани чизишни бошлашдан олдин, унинг шакли ва конструктив тузилиши билан обдон танишиб, таҳлил қилингандан кейин ишга киришилса яхши натижаларга эришиш енгилроқ бўлади. Буюм текисликларини каттиқ-юмшоқлиги турлича бўлган қаламлар билан тус бериб (штрихлаб) ёпиш орқали олиб борилиши бизга маълум. Кўпинча бу усул гипс моделларни тасвирлашда қўлланилади. Уқув машғулотида сурат текислиги юзасида натурани композицион жойланишини топиш (компановка қилиш), унинг соя-ёруғ ҳолатини тўғри ҳал қилиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Тажрибасиз чизувчилар буюм шаклини чуқур ўрганмай ту-риб, аниқ компановка қилмаган ҳолда тус беришга тезроқ киришиб кетадилар. Бу эса натуранинг умумий ҳолатини топишда чалкашликка олиб келади. Аввал натурани яхшилаб чизикли қилиб қўриб чиққандан кейин туслашга киришилсагина иш тоза ва тиниқ чиқади.


Туслашнинг дастлабки жараёнида ёруғ ва соялар енгил чизиқлар (штрих) билан бажарилади. Тасвирланаётган буюмнинг характери ва ёруғлик тушиш йўналиши бўйича ёруғ ва ярим сояларда чизик ораси бир хил узоқликда равон ва аниқ бўлиши керак. Штрихлашнинг бу усули буюмларнинг конструктив тузилишини яна ҳам яққолроқ курсатишга хизмат қилади. Буюмнинг соя қисмларидаги чизиқлар куюкрок, бир-бирига яқинлашиб ке-

тади. Тасвир равшанлигини ошириш учун сояни тўлиқ кучайтириш юмшоқ қаламда баъзан бир-биридан йўналиши бироз ўзгарган устма-уст берилган штрихлар ёрдамида амалга оширилади. Қиррали буюмларда штрихлар соянинг ёруғ билан туташган (чегара қисмида куюқ (тўқ)роқ бўлади.

Натюрмортдаги чизувчига яқин жойлашган (биринчи пландаги) буюмлар яққол чизиклар билан аниқ бажарилса, иккинчи ва учинчи қатордаги (пландаги) буюмлар кичик деталларига эътибор бермай умумий тарзда бажарилади. Бу ўз навбатида тасвирланаётган натурани тўлақонлик, ҳаққоний (фазовий перспектива коидасига асосан) бажарилишида аҳамиятлидир.

Чизикларни тортиш кетма-кетлигига риоя қилиш буюмлар ҳажмларини чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Расм чизишни энди ўрганаётган тажрибасиз чизувчилар кўпгина буюм чекка қисмларини кўрсатувчи қалинликларда чизик ўтказиб уни туслаш ҳам учи ўткир бўлмаган қаламни ётиқроқ ҳолатда ишқалаш йўли билан бажарадилар. Бу буюмни яққолроқ тасвирлаш у ёқда турсин, балки унинг ҳажмини тўлиқ идрок этишга ёрдами тегмайди. Қоғоз юзасида қаламни бир хил кучда босиш ва чизиклар орасидаги масофани ҳам ўзаро тент бўлишига эришиш чизилаётган буюмни тўғри бажарилишида катта аҳамиятга эга. Айлана сиртга эга бўлган буюмларни тасвирлаш ҳам юқорида таъкидланган чизик тортиш фақат эллипс шаклида бажарилиб, буюмнинг экватори атрофлари тўқроқ тусда бўлади.

Буюм ҳажмини аққол тасвирлашда оддий кора (турли катта-лик ва юмшоқликдаги) қаламларда штрихлаб чиқилганда энг тўқ кора рангдан то қоғознинг оқ қолиши керак бўлган жойигача бўладиган ранглар шкаласини тасаввур қилиб бажарилса натижа кўнгилдагидек чиқади. 13-расм.



13-расм. Буюмлар ҳажмини чиқаришда қўлланиладиган штрихлаш шкаласи.

Натура сунъий ёруғлик билан ёритилса, ундаги соя-ёруғ узоқ вақт ўзгармасдан ишлаш имкони бўлади. Тирик одам расмини чизиш мобайнида эса натуранинг қимирлаши натижасида ёруғлик баъзан ўзгариши мумкин. Ёруғлик-соя чегараси ҳам чи-зилаётган нарсани тўғри қуришда таянч нуқтаси деб ҳисоб-ланади.

Иптни умумийлик (яхлитлик)дан алоҳидалик яъни айрим де-талларга ишлов беришга ўтиш ва аксинча алоҳидаликдан уму-мийликка принципи асосида олиб бориш керак. Албатта, кўтаринки руҳда расм чизаётган рассом ишини гуёки ҳар бир чолғу асосбобини ўз ўрнида меъёри билан тинглай ва ишлата биладиган қобилятли дирижёр меҳнати жараёнига қиёслаш мумкин. Чунки рассом ҳам натурани қуриш давомида унга штрихлашни қўшиб олиб борса, натурадаги соя ёруғ чегарасини аниқлаб ўнга шакл бериб бориши натуранинг конструктив тузилишини тушуниб иш бажарган бўлади. Демак рассомнинг бир канча жараёнини бараварига олиб боришининг яхши натижа бериши ҳаёт тажрибасида азалдан ўз исботини топган.

Алоҳидаликдан яна умумийликка қайтиш иш жараёнида

бир неча бор кузатилса-да, одатда ишнинг якуний босқичида муҳимроқ аҳамиятга эгадир. Тажрибасиз чизувчилар кўпинча тезроқ майда бўлақларини чизишга ўтиб тугатишга ҳаракат қиладилар ва хатоликка йўл қўядилар. Шу сабабдан талабалар яхлитликни сақлаб қолиш усулларини ўрганишлари керак. Одатда бир тажриба билан яъни натурани юпқа мато (дока) билан ёки очроқ кул рантга эга бўлган рангли шиша билан қошлаб кўрганда унинг майда бўлақлари кўзга ташланмай, умумий бўлиб кўринади. Шу усулда талабаларнинг яхлит кўра билиш қобилиятларини ўстириш мумкин.

Юқорида кайд этилган расм чизиш қонуниятлари ва йўл-йўриқларини мукамал ўзлаштириб олганимиздан кейин ипши кетма-кетликка риоя қилган ҳолда бошлаймиз.

Демак кетма-кетлик юқорида эътироф этганимиздек ишда композицион ва қуриш тўғри топиладиган чизувчи буюмнинг кичик деталларини чизишга ўтади. Яъни умумийликдан булақларни аниқлашга ўтилади. Деталлар аниқлаб ишлангандан кейин, яна ишнинг яхлитлиги кузатилади ва бу усул майдадан йирикка бутунликка қайтиш дейилади.

Иш шундай якун топиши керакки, ҳамма қисмлари бутун яхлитликни ҳосил қилинсин. Бўлақларнинг бирортаси яхлитликлари "бузмасин" ва "чиқиб кетмасин". Иш жараёнида натуранинг энг ёруғ ва энг тўқ (қора) жойига эътибор бериш керак. Биз юқорида ранглар шкаласи ҳақида фикр юритган эдик. Шунга ҳаёлан қиёслаган ҳолда натурадаги энг ёруғ жойи ялтироқ қисмини "блик" деймиз ва оқ қоғозни штрихламай қолдираемиз. Кейингиси ёруғлик қисми енгил штрихлар бериб тусланади. Бу ерда ўз-ўзидан каттик қаламлардан фойдаланиш тавсия этилади, акс ҳолда бармоқ излари теккан жойлар бўйлиб ишни сифатсиз қилиб кўрсатиши мумкин. Ёруғлик нисбатини ҳам назорат қилиб боришимиз керак. Энди аста-секин ёруғ юзадан сояга ўтилади. Натуранинг энг кам ёритилган жойи ёруғликнинг сояга ўтиш чегарасига тўғри келади. Бу жойини одатда ярим соя деб атаймиз.

Шу чегарадан кейин соя юзаси бошланиб, у "рефлекс" (яъни биз юқорида акс ёруғлик ҳам деб юритдик) билан тугайди. Соя атрофидаги юзаларга тушаётган ёруғлик нурларининг қайтиши ва соя рангини маълум миқдорда "қирқиб"

кучсизлантириш ҳолатини рефлекс деган эдик. Рефлекс соя жойда бўлганлиги учун ҳам у буюмнинг ёруғлик қисмига нисбатан тўқроқ рангда бўлиши зарурлигини ёддан чиқармаслигимиз керак акс ҳолда расмдаги умумийлик (яхлитлик)ни кўрсатишга ҳалакит бериб-гина қолмай, балки ишни тугалланмаган ҳолатда ҳам қилиб кўрсатишга сабаб бўлади.

Шундай қилиб, расмни шундай чизиш керакки, натуранинг бирор-бир қисми умумийликдан чиқиб кетмасин ва айти пайтда ўша қисмлар буюмнинг характерли хусусиятини йўқотмасин ва умумий композицион бирликдан узоқлашмасин. Кейин ишнинг ҳамма босқичларини текшириб кўриб, қуришга яқун ясаш ва ишнинг охири-туғатиш босқичига ўтиш керак.

Ишнинг туғатиш босқичига ўтишда ранг перспективаси соҳасидаги билимларни ишга солишга тўғри келади. Картина текислиги ичидаги ҳар бир чизиқ, ҳар бир ранг натурадаги кўринишларни таққослаш ва кўчириш натижасида ҳосил бўлади. Маълумки, ёруғлик манбаига яқин жойлашган буюм узоқдагисидан равшанроқ, аниқроқ ва яққол кўрингани сингари кўриш нўқтамизга яқин бўлган предметлар узоқдагисидан аниқроқ ва тиниқроқ кўринади. Бошқача айтганда, чизикли перспективада буюмлар узоқлашгани сари шакли ва ҳажми кичрайиб борса, ранг перспективасида улар хиралашиб, ҳатто ўз рангини ўзгартириб ҳам юборади. Табиатдаги айрим кузатишлар билан фикримизни исботлашимиз мумкин. Яқиндан ўз рангида кўнғир, жигар ва малла ранглардан иборат бўлган тоғнинг қоя тошлари узоқлашгандан (қалин ҳаво қатламидан) кейин бутунлай бошқа тусда-ҳаво рангга "бўялиб" қолади. Тўқ яшил баргли дарахтларнинг узоқдагилари ҳам ўз рангларига бироз ҳаво ранг "аралаштириб" бошқачараоқ кўриниб қоладилар. Бу хусусиятларни ўзлаштирган чизувчилар нафақат оқ-қора қаламтасвир ишларида фазовий чуқурликни кўрсата билишлари, балки ранг-баранг тусланган табиат манзараларини рангтасвирда жозибали ифодалаб, уни нур ва ҳаво билан "тўлдиришдиёқ" муҳим вазифани удалашлари мумкин.

Муҳими орқа планпаги буюмлар (балки уларнинг орқа пландаги бўлаклари) хирарок, умумийроқ ва яхлитроқ ишланиб, олдинги пландагиларини бўрттириб, равшанроқ, аниқроқ ранг

жихатидан ҳам тўқроқ ишланса тасвирдаги фазовий чуқурликни кўрсатиш мумкин бўлади.

Тугаллаш • энг масъулиятли пайт бўлиб, чизувчи учун ҳамма боскичларнинг якуний натижасидир. Демак, яна бир бор иш жараёни қайтадан кўриб чиқилади. Ишнинг композицион курилиши ва шакл бериш текширилиб, ранг жихатидан яхлитлигига эътибор берилади. Кўпчилик бўлиб (ўқитувчилар иштирокида ишнинг тугалланганлигини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки биринчидан узок муддат диққатни бир ишга қаратиш ўз хатоларимизни кўрмай қолиш ҳолларига олиб келса, иккинчидан, "бошқа кўз" билан яъни ўртоқлар ва тажрибали устозлар кўзи билан қараганда хато ва камчиликларимиз яққолроқ кўриниб қолади. Ишдаги хато ва камчиликлар бартараф этилгандан кейин тасвирни "мустаҳкамлаш" керак бўлади. Маълум-ки, ишдаги хатолар одатда вақт ўтиши билан кўзга ташланади. Мустаҳкамланган ишдаги хатони ўчиргич билан ўчириб туза-тиш қийинлашади. Шунинг учун бир оз вақт ўтгандан кейин ишни кўздан кечириб, хато ва камчиликлари йўқлигига ишонч ҳосил қилганимиздан кейин "мустаҳкамлаганимиз" маъқул. Мустаҳкамлаш махсус суюклик "Закрепитель" билан амалга оширилади.

ГЕОМЕТРИК ЖИСМЛАРНИНГ ГИПС МОДЕЛИНИ ЧИЗИШ

Кўлланмаимизнинг муқаддима қисмида таъкидлаганимиздек, тасвирий санъатга дахлдор ва архитектура соҳасини танлаган барча талабаларга расм ўқитиш ўқув дастурида ўқув машғулотларининг дастлабки жараёни геометрик жисмлар расмини чизишга қаратилган.

Геометрик жисмларни чизиш машғулотлари орқали талаба-ларнинг расм чизиш соҳасидаги кўникма ва малакаларини ошириш, уларда шаклни аниқ сезиш, ҳажм ҳис-туйғуларини ўстириш ҳамда икки ўлчамли текислик юзасида буюмларнинг фазовий шакллари бера олиш қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантириш сингари вазифалар амалга оширилади.

Архитектура факультетидаги архитектура, дизайн, маданият ва санъат соҳасида касбий педагогика таълими мутахассисликлари бўйича ўқиётган талабалар расм машғулотларини геометрик жисмларнинг гипс моделини чизиш билан бошлайдилар. Тузилиши жиҳатидан оддийроқ бўлган геометрик жисмлар (куб, призма, пирамида ва бошқалар) кирралари тўғри бўлганлиги учун ҳам, уларни чизиш орқали чизикли перспектива ҳақида тушунча ҳосил қилиш ва конструктив расм чизиш малакаларини мустаҳкамлаш енгилроқ кўчади.

Эндиги мулоҳазаларни ҳаётимизда учрайдиган барча жисм-лар, ўсимлик ва ҳайвонот олами ва ҳатто одам қоматининг тузи-лиши ҳам геометрик шаклларнинг ўзгариши ва мураккаблашган ҳолати деб тушунишимизга қаратиш керак. Масалан куб, призма, параллелопипед сингари геометрик жисмларни турлича фазовий перспектив кўринишда чизишни ўзлаштириб олсак, гугурт қутиси, ғишт, тумбочка, табуретка, телевизор ва кўп қаватли ўйлардан ташкил топган мураккаб меъморий манзараларни ҳам қийналмасдан тасвирлай олишимиз мумкин.

Албатта, конструкция тушунчасида тўхталганимиздек, нар-сани ўзига қараб чизганда, фақат унинг ташқи кўринишига қараб эмас, балки таркибий тузилишини, яъни қайси геометрик жисмлардан ташкил топганини таҳлил (анализ) қилиб чизиш яхши натижа беради.

Тўғри чизик ва киррали жисмлар анча содда кўриништа эга бўлиб, томонлари текисликлардан, туташган жойлари кирра ва учларини ташкил қилади. Оддий бино мисолида яхлит идрок қилган ҳолда катталашган ўлчамли призма ва том қисмининг асоси учбурчакли ётқизилган призма сиртлардан тузилганини кўриш мумкин.

Энди бу ҳолатларни айланма сиртларга эга бўлган геометрик жисмлар (конус, цилиндр, шар ва бошқалар) да кузатсак.

Масалан оддий цилиндр сиртлардан стакан, кружка ва ҳ.к. ҳамда кесилган конусдан тузилган сатил, воронка ва ҳоказолар ташкил топган. Энди мойчованинг конструктив тузилишини кўриб чиқамиз. Асоси тана ва юкориги оғиз бир катта ва бир кичик цилиндрик ҳажмдаги сиртлардан, иккаласи

ўртасидаги бўйин қисми эса кесилган конус шаклидан ташкил топган. Шунинг ҳам эслаш керакки, сим ва трубаларни бир қисмини олиб қарасак, турли узунлик ва диаметрга эга бўлган цилиндрлик сиртлар эканлигига иқроқ бўламиз. Кўза таркиби тухумсимон сиртнинг учи бир оз қирқилиб пастга қаратилган ва орқа тарафи ҳам бироз қирқилиб, кичикроқ цилиндр шаклидаги туташган бўйин қисми ва шу иккала қисмига тутишга қулай қилиб кўндаланг қирқими овалсимон бўлган болдоғи (даста) ўрнатилган.

Нарсалар мураккаблашиб борган сари сиртлар сони ортиб, шакли турлича бўлиб, такомиллашиб мужассамлашиб боради.

Лекин ҳаммасининг ҳам замирида юқорида қайд этилган қонуният ётади.

Жаҳон меъморчилик дардоналари хазинасидан муносиб ўрин олган Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа шаҳарларимиздаги тарихий обидалар аجدодларимизнинг нозик дидли, билимдон, тажрибали моҳир меъмор ва муҳандислар бўлганликларидан далолат беради.

Шулардан айримларини қандай геометрик сиртлардан иборат эканлигини тақлил қилишдек муҳим вазифа борки, бу бизга анча масъулият ҳам юклайди. Ислоҳ меъморчилигида кенг тарқалган гумбаз таркиби қирқилган тухумсимон шаклга эга. Кўп ҳолларда бу сиртни "суфи дўппи" деб ҳам аташади. Одатда гумбазлар асоси квадрат ўлчамли призмалар устидан баландлиги катта бўлмаган саккиз қиррали призмалар устига ўзаро мутаносиб равишда ўрнатилган бўлади.¹ (14-расм).

Меъморий биноларнинг тузилишини мукаммал ўрганиш, уларнинг манзара муҳитида аниқроқ ва теранроқ тасвирлашга асос бўлади. Бу билим ва малакалар айниқса II босқични тугатган талабаларнинг амалиётдаги машғулотларини бажаришларида жуда қўл келади. Амалиёт асосан ташқи муҳитда бўлиб, кўпгина томошабин ва муҳлисларнинг иштирокида ёки бошқача айтганда назорати остида бўлади. Бу ҳол унча тажрибага эга бўлмаган ёш талабаларни бироз ҳаяжонга солиши ҳам табиий ҳодисадир. Бундай ҳолларда амалиёт раҳбари ўз шогирдларини

¹ Бу ерда биз Самарқанддаги Рухобод мақбарасини мисол тариқасида кўраямиз.

рухлантириб, уларни ўзларидаги имкониятларига ишонтириб, мураккаброқ қисмларига ёрдам бериб юбориши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўз навбатида расм чизиш залларида олинган билим ва кўникмалардан ҳам ўз ўрнида фойдаланиш зарурияти туғилади. Тасвирланаётган бинолар, дарахтлар ва ҳоказолар уфқ чизиғига нисбатан перспектив қисқариш ҳолатларини аниқ топиш тасвири тўлақонли ҳаққоний чиқишига замин бўлади. Ташқи муҳитда бажарилаётган расмларнинг соя ва ёруғликларини бериш ҳам бироз мураккаб бўлиб, чизувчидан анча диққат ва эътиборни талаб қилади. Ер айланиши оқибатида кўёшнинг силжиб соя ва ёруғликларни ўзгариб туриши ҳам ёш чизувчилар учун қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабдан узоқроқ (бир неча босқичда) бажариладиган ишларни айнан бир хил соатларда бир неча кун давомида чизиш яхши самара беради.


Меъморий биноларнинг ҳажмлари (катта-кичиклиги) уларни қандай масофадан (узоқликдан) чизипши белгилайди. Ижари таъкидлаганимиздек расм чизишда олдинги, ўрта ва орқа план тушунчалари мавжуд. Меъморий манзара чизишда ҳам бу қоида ўз кучини йўқотмайди.

Биринчи план ўрта ва орқа планларга нисбатан ниҳоятда аниқ ҳамда деталлари билан орқа планни умумий тасвирланиши расмда табиий ёруғлик, ҳаво ва фазовий чуқурлик беришни таъминлайди.

Меъморий деталларни таҳлил қилиб, улардан ташкил топган натюрморт ишлаш талабаларни бевосита меъморий композициялар изланиш ва тузиш ҳамда фазовий фикрлаш, тафаккур қилиш учун зарур бўлган ўқув машғулотларидан биридир. Ғарб меъморчилигида кенг қўлланилган зинпоя четидаги панжара ус-тунчаларидан бирини мисол тариқасида кўриб чиқиш мумкин. Бунда геометрик сиртлар анча мураккаблашган кўринишларга эга бўлиб, унга асоси квадратли турли ўлчамлардаги призмалар ва яхлит массадаги томчисимон ўзакдан ташкил топган.

Натюрморт, меъморий манзара ва ҳатто одам портрети ёки гавдасини тасвирланаётганда юқорида қайд этилган тушунча ва мулоҳазаларни эътиборга олиб ёндошиш ишни мукамал чиқишини таъминлайди. Албатта, деталларга берилиб умумий-

лик, яъни ишнинг яхлитлигини ҳам йўқотмаслик керак. Аввал умумийдан деталларга ва кейин деталлардан умумийга деган асосий қоидага риоя қилган ҳолда бошланган расмни тугатиш зарур.



14-расм. Самарқанд шаҳридаги Рухобод мақбарасини
геометрик таҳлили.

Расм чизишнинг қонун қоидалари ва йўл-йўриқлари ҳақида қисқача имкон даражасида фикр ва мулоҳазалар юритдик. Урганишга кўрсатмаларнинг маълум даражада фойдаси тегса эзгу ниятимиз маълум миқдорда бажарилган бўлади. Айрим соҳаларда қийинчиликларга дуч келинса ва унинг жавоби қўлланмадан топилмаса ишонамизки биз илова қиладиган абадиётлардан тўларок ва кенгроқ жавоб топиш мумкин. Қолаверса китобхоннинг қимматли фикр таклиф мулоҳазалари қўлланмадаги етишмовчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Расм чизишни ўрганишда қўйган мақсадимиз йўлида тинимсиз изланишга тўғри келади. Тажрибали кишининг яхши расм чизаётган пайтини диққат билан кузатиш ва ижобий томонларини ўзлаштиришга ҳаракат қилиш керак. Чизилган расмларни ҳам синчковлик билан ўрганиб олган билимларимизни ишимизда қўллай олсак фойдадан ҳоли бўлмайди. Шу ўринда рассом ишини ҳам эринмасдан гулдан-гулга кўниб нектар тўплаётган заҳматкаш асалари меҳнатига (шартли равишда, албатта) қиёслаш мумкин.

Юқорида айтганимиздек мавжуд манбалардан олинган ва устозлар берган қимматли маслаҳат, йўл-йуриқ ҳамда кўрсатмаларга ижодий ёндошиб, тўғри фикр чиқаришга ўрганиш ва булардан хато-камчиликларни бартараф этишда фойдаланиш муваффақият гаровидир.

Кўп ишлаш ва ижодий изланиш натижасида ўз йўналиши, усубига эга бўлган ва хатто ўз мактабини яратиб, нафакат жаҳон тасвирий санъатининг ноёб дурдоналари бўлган асарларини яратган, балки етиштирган шогирдлари билан ҳам санъат тарихида ном қолдирган катор таниқли рассомларни биламиз.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, расм чизишни наза-рий билимлар асосида амалий ўзлаштириш кўп меҳнат талаб қиладиган ижодий жараёндир. Мохирлик замирида эса, кунт, сабр ва чидам билан ишлаб тинимсиз изланиш ва мунтазам расм чизиш ётади.

АДАБИЁТЛАР.

1. Беда Г.В. Основы изобразительной грамоты. М., Просвещение. 1981. Страницы 8-54.
2. Белютин Э.М. Основы изобразительной грамоты. М., Госкультпросветиздат. 1956.
3. Бойметов Б. Қаламтасвир асослари. Педагогика университетлари ва институтлар талабалари учун ўқув қўлланма. Тошкент-1999 й.
4. Бойметов Б. “Қаламтасвир”. Педагогика институтлари ва университетлари талабалари учун ўқув қўлланма. Тошкент. “Иқтисод-Молия” 2010.
5. Костерин Н.П. Учебное рисование М., 1983.
6. Халилов Р. Рисунок. Издательство “Наврўз”. Т. - 2013.
7. Кирцер Ю.М. Рисунок и живопись. Практическое пособие М. Высшая школа. 1992. Страницы 18-60.
8. Ростовцев Н.Н. Учебный рисунок. М., 1976.
9. Ростовцев Н.Н. Очерки по истории методов преподавания рисунка. М., Изобразительное искусство. 1983.
10. Ростовцев Н.Н. Академический рисунок. М., 1984
11. Султонов Н.Т. Роль учебного рисунка в формировании профессии архитектора. Самарканд. 1984.
12. Тихонов С.В., Демьянов В.Г., Подрезков В.Б. Рисунок. М., Стройиздат. 1983
13. Тен Н. Гипс моделларнанг расми. Тошкент, Ўқитувчи. 1994.
14. Жонузоков А., Булатов С. Расм чизиш. Мўъжиза яратиш санъати тўплами. Тузувчи ва бош муаллиф Уралов А.С. Тошкент, Меҳнат. 1996. 7-25 бетлар.
15. A.Egamov, B.Boymetov, X.Aminov. Chizmatasvir. Kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma. “Sharq” nashriyot – manbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati – Toshkent – 2007.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
ҚАЛАМТАСВИРНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ	6
ШАКЛ (ФОРМА) ҚУРИЛИШИ ВА КОНСТРУКЦИЯСИ ҲАҚИДА	
УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР.....	15
ПРОПОРЦИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧА.....	31
ЁРУҒ СОЯ ВА УНИНГ ҚОНУНИЯТЛАРИ	34
ГЕОМЕТРИК ЖИСМЛАРНИНГ ГИПС МОДЕЛИНИ ЧИЗИШ	41
АДАБИЁТЛАР.....	47

**Мазкур услубий қўлланмани бажаришда фойдаланилган
адабиётларни ўрганиш билан бир қаторда тавсия
этиладиган қўшимча адабиётлар.**

1. Авсиян О.А. Натура и рисование по представлению. -М., 1985
2. Азимова Б. Натюрморт тузиш ва тасвирлаш методикаси. Тошкент. Ўқитувчи, 1984 йил.
3. Алексеева В.В. Изобразительное искусство и школа. М. Советский художник, 1968.
4. Барышников А. Перспектива. - М., 1956.
5. Барщ А. Рисунок в средней художественной школе. - М, 1963.
6. Барщ А. Наброски и зарисовки. - М., 1970
7. Бойметов Б., Толипов М. Мактабда тасвирий санъат тўғараги. Тош-кент. Фан-1995 йил.
8. Дейнека А. Учитесь рисовать. - М., 1961.
9. Дембинский С.И., Лавров А.М., Трисель А.В. Таблицы по изобразительному искусству. Рисование с натуры и декоративное рисование М., Просвещение, 1976.
10. Костерин Н.Т. Учебное рисование. М, 1983
11. Кузин В.С. Наброски и зарисовки. М., 1970.
12. Кузин В.С. Вопросы изобразительного творчества М., Просвещение, 1971.
13. Кузин В.С. Основы обучения изобразительному искусству в общеобразовательной школе. М., Просвещение, 1977.
14. Набиев М. Азимова Б. Расм чизишни ўргатиш методикаси. Тошкент. Уқитувчи -1976 йил.
15. Рожкова Н.Н. Макеев Л.Л. Изобразительное искусство. VI класс. М., Просвещение, 1969.
16. Ростовцев Н.Н. Методика преподавания изобразительного искусства в школе. М., Просвещение, 1974.
17. Ростовцев Н.Н. Учебный рисунок. М, 1976.
18. Ростовцев Н.Н. Академический рисунок. М, 1984.
19. Соловьев А., Смирнов Г., Алексеева Н. Учебный рисунок. - М., 1953.
20. Тен Н. Гипс моделарнинг расми. Тошкент. Ўқитувчи. - 1994 йил.

21. Терентьев А.Е. Изображение животных и птиц средствами рисунка и живописи. М., Просвещение, 1969.
22. Тожиев Б. Қаламтасвир асосларини урганиш. Тошкент. - 1994 йил.
23. Федоров М.В. Рисунок и перспектива М., 1960.
24. Ҳасанов Р. Мактабда тасвирий санъат магулотларини такомиллаштириш йулларн. Тошкент. Уқтувчи. - 1986 йил.
25. Шарохов Е.В. Тематическое рисование в школе. М, Просвещение, 1975.
26. Шпикалова Т.Я. Формирование графических умений и навыков. -Начальная школа, 1972, № 6.